# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 20 октябрь, № 227 (8289) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЕВРОИТТИФОҚ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 октябрь куни Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакалани қабул қилди.**





Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни кенгайтириш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техник соҳаларда, экология, таълим, туризм йўналишларида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг дастур ва лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув аввалида ЕИ махсус вакили мамлакатимиздаги демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни янада чуқурлаштиришга қаратилган, ортга қайтмайдиган Янги Ўзбекистон ислоҳотлари дастури Европа Иттифоқида юксак баҳоланаётгани, унинг давом эттирилиши изчил қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

Кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган икки томонлама муносабатлар кўп қиррали ва жадал тус олгани мамнуният билан таъкидланди.

ЕИнинг Марказий Осиё бўйича янгиланган стратегияси қабул қилингани, Ўзбекистонга «GSP+» тизимининг бенефициари мақоми берилгани ҳамда Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик шартномаси дастлабки тарзда имзолангани бунинг далолатидир.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Биргина жорий йилнинг 9 ойида ўзаро савдо 15 фоизга ўсди. Ўзбекистон маҳсулотларининг ЕИ мамлакатларига экспорти ҳажми 70 фоизга кўпайди. Ўзбекистондаги қўшма лойиҳа ва корхоналар сони 1 мингдан ошди.

Европалик инвесторлар иштирокида энергетика ва автомобилсозлик каби юқори технологик тармоқларда, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Суҳбат чоғида барқарор тараққиётга, минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга кўмаклашишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Транспорт, инновация, рақамлаштириш, “яшил иқтисодиёт”, муқобил энергетика ва сувдан оқилона фойдаланиш, инклюзив таълим устувор соҳалар сифатида белгиланди.

Афғонистондаги вазиятни тез фурсатда тинч йўл билан тартибга солиш ва унинг иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 19 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 13 сентябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **168-модда**:

**иккинчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фирибгарлик:

а) анча миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса»;


**(Давоми 2-бетда).**


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТУРКМАНИСТОНДА БЎЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 20-21 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.**

Ташриф дастурига мувофиқ, икки томонлама ва минтақавий кун тартибидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади.

Асосий эътибор Ўзбекистон — Туркманистон стратегик шериклик муносабатларини янги босқичда янада мустаҳкамлаш, саноат, энергетика ва кимё тармоқларида, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида кооперацияни кенгайтириш, фаол маданий-гуманитар алмашинувни давом эттириш масалаларига қаратилади.

Саммит якунида ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўпламини қабул қилиш кўзда тутилган.

Шунингдек, ташриф давомида Ашхобод шаҳрида “Тошкент” боғини очиш ва Чегараолди савдо марказини қуриш бўйича лойиҳани биргаликда бошлаб бериш режалаштирилган.

**ЎзА.**

Ўзбекистон — Туркманистон:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 20-21 октябрь кунлари расмий ташриф билан Туркманистонда бўлади.**

Маълумки, Туркманистон билан икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Икки давлат ўртасидаги мустаҳкам муносабатлар асрлар давомида шаклланган анъанавий дўстлик ришталарига, яхши қўшничилик алоқалари ва ўзаро ишончга асосланган.

Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг бугунги даражасига мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасида йўлга қўйилган яқин ҳамда ишончли мулоқот самарасида эришилди. Ўзбекистон Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларининг энг юқори даражасига эришишга ҳамда Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссасини юксак қадрлайди ва эътироф этади.

Жорий йил март ойида олий давлат лавозимига сайланган Туркманистоннинг амалдаги Президенти Сердар Бердимуҳамедов Ўзбекистон билан кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш ва икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш йўлини давом эттирди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги уч ой давомида икки давлат раҳбарларининг тўрт марта учрашгани Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги алоҳида муносабатларнинг яққол ифодаси бўлиб, бу бутун минтақа учун намунадир.

14-15 июль кунлари Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бўлиб ўтди ва бу замонавий ўзаро муносабатлар тарихида янги саҳифани очди.

“Шуни қайд этмоқчиманки, биз учун Туркманистон — минтақадаги ишончли ва муҳим ҳамкор. Бизнинг кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги интилишимиз қатъий, энг яқин қўшнимиз билан стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ниятидамиз”, деди Президент Шавкат Мирзиёев Кўксаройда Туркманистон раҳбарини қабул қилар экан.


➡ 2


Анжуман

# ЯНГИ ДАСТУР ИШГА ТУШИРИЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан БМТТД ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамкорлигида хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ва давлат муассасалари ўртасида гендер тенгликни тарғиб қилиш мақсадида “Давлат муассасалари учун гендер тенгликка эришиш учун нишон” дастури ишга туширилди.*

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ушбу дастурдан кўзланган асосий мақсад давлат сиёсатида гендер масалаларига кўпроқ эътибор қаратиш ва уни самаралироқ юритиш имконини яратишдир. Нишон давлат муассасаларига ўз салоҳиятини мустаҳкамлаш ва гендер тенгликни янада самарали ҳамда яққол таъминлаш учун чинакам ва амалий пойдевор яратиб бериши билан аҳамиятли саналади.

Шу муносабат билан уюштирилган тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Танзила Норбоева бу дастурнинг аҳамияти хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, дастурнинг ижроси давлат ташкилотлари учун гендер масалаларидан хабардорликни ошириш ва 2030 йилга қадар Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш стратегиясини муваффақиятли бажаришда янги имкониятларни очиб беради. Жумладан, давлат органлари ва ташкилотларида хизмат лавозими кўтарилишида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имконият яратиш, уларнинг салоҳиятини кенгайтириш ҳамда иш жойида тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди.

Нишон эса муваффақиятга эришган хотин-қизлар ҳамжамиятини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бугунги жамиятнинг долзарб муаммо ва вазифаларини ҳал этишда Ўзбекистон давлат секторидаги хотин-қизлар ташаббуслари ҳамда салоҳияти учун мақбул майдонга айланади.


➡ 3


# АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

*19 октябрь куни Тошкент шаҳрида «Афғонистон: минтақавий боғлиқлик, хавфсизлик ва ривожланиш» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.*

Мазкур форум жорий йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган «Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш» мавзуидаги халқаро конференциянинг мантиқий давоми сифатида томонларнинг Афғонистон ривожланиши ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги фикрлари муштарак эканини тасдиқлади.

Ушбу халқаро конференция Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан ташкил этилди.

Тадбирда Афғонистон, Покистон, Эрон, Россия, Туркия, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон хавфсизлик органлари ва разведка хизматлари делегациялари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг конференция қатнашчиларига йўллаган табрик хатини Президент маслаҳатчиси — Спичрайтер Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Анжуман якунида иштирокчи давлатлар вакиллари томонидан ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича йўналишлар ва аниқ вазифалар белгиланди. Шунингдек, глобал ҳамда минтақавий хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган терроризмга қарши биргаликда қатъий курашишга келишиб олинди.

**ЎзА.**

# ВАЗИР ДЕПУТАТЛАР САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ ҚАЙТАРДИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда депутатлар “Ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2022-2023 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш тўғрисида”ги масалани муҳокама қилдилар.*

## «Ҳукумат соати»

Кун тартибидаги масала юзасидан депутатларнинг саволларига уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш. Ҳидоятов жавоб берди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари жадал олиб борилмоқда. Мавсумни бесталафот ўтказиш мақсадида коммунал соҳага дахлдор хизматларнинг иш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

“Ҳукумат соати”да депутатлар юртимизда модернизация ва реконструкция қилинаётган қозонхоналарга жиҳозларнинг (қозонлар, иссиқлик тармоқлари) қандай параметрларга асосланиб ўрнатилаётгани ҳамда қозонхонадан истеъмолчига иссиқликни етказишда йўқотишларнинг олдини олиш борасидаги амалий ишлар билан қизиқди.

Ш. Ҳидоятов қайд этганидек, бугунги кунда республика иссиқлик таъминоти объектларида, хусусан, 8 та қозонхонада фойдали иш коэффициенти 92 фоиздан кам бўлмаган замонавий энергиятежамкор иситиш қозонлари, йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида 42 км. пенополиуретандан тайёрланган полимер изоляцияли ва ҳимоя қобиғига ўралган, каналсиз ётқизиш имконини берувчи қувурлар, 477 та индивидуал иссиқлик пункти (ИИП) ўрнатилмоқда.


➡ 3

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**учинчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фирибгарлик:

а) кўп миқдорда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса»;

2) **169-модда учинчи қисмининг «б» банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **VII боб** қуйидаги мазмундаги **64¹-модда** билан тўлдирилсин:

**«64¹-модда. Моддий маданий мерос объектларига нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш**

Моддий маданий мерос объектларига нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш, яъни ёзувлар ёзиш, расмлар чизиш йўли билан уларни таҳқирлаш ёки уларга шикаст етказиш, моддий маданий мерос объектларини, шу жумладан уларнинг тарихий, илмий, бадиий ёхуд ўзгача маданий қимматига доғ туширувчи ёки уларни масхара қилувчи ҳаракатларни содир этиш, худди шунингдек моддий маданий мерос объектларига нисбатан жамоат тартибини бузувчи ҳаракатларни содир этиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган оз миқдорда зарар етказган ҳуқуқбузарликни содир этиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган, кўп бўлмаган миқдорда зарар етказган ҳуқуқбузарликни содир этиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, –

ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ ўзига нисбатан маъмурий қамоққа олиш қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Оз миқдордаги зарар деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлган доирадаги, кўп бўлмаган миқдордаги зарар деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «64» рақамидан кейин «64¹» рақами билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 майда қабул қилинган **«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–386-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 5, 179-модда; 2018 йил, № 7, 433-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг тўққизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**ташувчи** – мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосларда транспорт воситасига эгалик қиладиган, қонунчиликка мувофиқ йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкини тижорат асосида ташиш бўйича хизматлар кўрсатадиган ва бунинг учун тегишли лицензияга эга бўлган ёхуд рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжати бўлган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор»;

2) **15-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «ташувчи ходимларининг» деган сўзлар «ташувчининг, ташувчи ходимларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **22-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбурияти бажарилишини назорат қилиш транспорт соҳасидаги қуйидаги давлат органлари томонидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 3-моддасининг 1-банди ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 19 октябрь
№ ЎРҚ—794

Ўзбекистон — Туркманистон:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

1

Икки давлат раҳбарлари 21 июль куни Чўлпонота (Қирғизистон)да бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд шаҳрида уюштирилган саммити (15-16 сентябрь), шунингдек, 13-14 октябрь кунлари Остона (Қозоғистон) шаҳрида ўтказилган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ва "Марказий Осиё — Россия" саммити доирасида ҳам учрашдилар.

Учрашувларда Ўзбекистон ва Туркманистон етакчилари сўнгги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида эришилган икки томонлама ҳамкорликнинг барча жабҳаси бўйича ижобий динамикани мамнуният билан қайд этиш баробарида, ўзаро ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.




Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро кун тартибидаги масалаларга, жумладан, Марказий Осиёда шаклланган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ҳамда шериклик муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратяптилар. БМТ институтлари, МДҲ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида фаол алоқаларни давом эттиришга катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Президенти 8 сентябрь куни Тошкент шаҳрида ўтказилган жаҳон мамлакатлари парламентлари аёл раҳбарларининг саммити доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Туркманистон Миллий Кенгаши Мажлиси Раиси Гулшат Маммедовани қабул қилди. Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма кооперация лойиҳаларини ва маданий-гуманитар алмашув дастурини илгари суришда икки мамлакат парламентлари муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Парламентлараро Иттифоқ, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги самарали мулоқот майдончалари доирасидаги сермаҳсул ҳамкорликка юқори баҳо берилди.

Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўтариш, саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш, транспорт ва транзит имкониятларидан фойдаланиш икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидандир.

— Мамлакатларимиз улкан салоҳиятга эга муайян тармоқлар орасида биз агросаноат мажмуи, энергетика, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, тўқимачилик ва фармацевтикани қайд этмоқчимиз, — деди Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов жорий йил 14 июль куни Тошкентда ўтказилган олий даражадаги музокаралар чоғида. — Бизнес доиралари ўртасидаги шерикликни кенгайтириш учун жиддий имкониятлар бор. Кейинги йилларда чегарадош ҳудудлар ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтириш ниятидамиз.

Бу борадаги шерикликнинг ҳозирги даражаси ижобий динамика билан тавсифланади: автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик ва фармацевтика саноати, озиқ-овқат саноати ҳамда қишлоқ хўжалигида ўзаро ҳамкорлик кенгаймоқда, кимё саноатидаги шериклик стратегик даражага кўтарилди. Жорий йил бошидан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 570 миллион доллардан ошди. Яқин йилларда бу кўрсаткични икки баробар кўтариш учун барча имконият мавжуд.

Ўзбекистон — Туркманистон чегара савдо зонаси ташкил этилмоқда, мамлакатларимиз пойтахтларида савдо уйларини очиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантиришнинг ўрта муддатли дастури ишлаб чиқилди, шунингдек, энг истиқболли лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Қўшма лойиҳа офисини очиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналиши транспорт соҳасидаги шериклик ҳисобланади. Ўтган йили юк ташиш 17 фоизга ошган бўлса, бу йил ҳам мазкур тамойил давом этмоқда. Томонлар минтақа давлатларининг ноёб транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишдан, жумладан, юкларни ташишда ўзаро имтиёз ҳамда преференциялар беришдан манфаатдордир.

Ҳудудлараро тизимли мулоқотни ривожлантириш Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигига янги суръат бағишламоқда. Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида Бухорода ўтказилган биринчи Ҳудудлараро форумнинг муваффақиятли якунлари фойдаланилмаётган улкан салоҳиятни яққол намоён этди. Форум доирасида умумий қиймати 450 миллион доллардан ортиқ бўлган мустаҳкам шартнома ва битимлар тўплами имзоланди.

Икки давлат ўртасидаги сармоявий ҳамкорликни чуқурлаштириш асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда туркман капитали иштирокидаги 173 та корхона фаолият кўрсатмоқда, шундан 69 таси қўшма ва 104 таси 100 фоиз хориж сармояси иштирокидаги корхоналардир. Томонлар икки мамлакатда тайёр тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳалар сонини сезиларли даражада ошириш ниятида. Бундан ташқари, Туркманистонда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги, маиший техника жиҳозларини ишлаб чиқариш қўшма лойиҳаларини йўлга қўйишдан ҳам томонлар манфаатдор.

Қардош ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти бир, тили ҳамда урф-одатлари муштарак. Буюк шоир ва мутафаккирлар Алишер Навоий ҳамда Махтумқули Фироғий ижоди ўзбек ҳамда туркман халқларининг умумий мероси ҳисобланади. Тошкент шаҳрида атоқли туркман шоири, файласуф ва мумтоз шоир Махтумқули Фироғий номидаги кўча ва унинг барельефининг очилиши, "Ашхобод" боғининг ишга туширилиши халқларимизнинг мустаҳкам дўстлиги, бирлиги ҳамда маданий яқинлигининг ёрқин рамзидир. Хоразм вилоятида "Ўзбек — туркман дўстлик уйи" ва "Улли ҳовли" мажмуаси" дирекцияси иш бошлади. Ўз навбатида, Туркманистон пойтахтида Алишер Навоий номидаги кўча очилди, Ашхобод шаҳрида "Тошкент" боғини барпо қилиш ишлари давом этмоқда.

Илмий ва академик алмашувлар, инновациялар соҳасидаги дастурлар ҳам фаол ривожланмоқда. Ўзбекистон — Туркманистон маданияти ва киноси кунлари мунтазамлик касб этмоқда, туризм соҳасида қўшма лойиҳалар илгари суриляпти.

Ўзбекистондаги туркман диаспораси 200 мингга яқин кишиларни ташкил қилади. Мамлакатимизда уларнинг тили, маданияти, урф-одатларини авайлаб асраш, ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, туркман тилида таълим берадиган 44 мактаб, Қорақалпоқ давлат университетида туркман филологияси бўйича мутахассислар, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида туркман тили ўқитувчилари тайёрланмоқда.

Ўзбекистон телевидениесининг "Ёшлар" канали ва Қорақалпоғистондаги "Дияр" радиоканалида туркман тилида кўрсатув ҳамда эшиттиришлар эфирга узатилаётир. Қорақалпоғистондаги Туркман маданият маркази муассислигида туркман тилидаги "Мекан" газетаси чоп этиляпти.

Ўзаро маданий алмашувлар халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва ўзаро англашувни оширишга хизмат қилаётир. Шу боис мамлакатларимиз ўз она тили, маданияти, анъана ҳамда урф-одатларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишда давом этади, икки мамлакат адабиётининг мумтоз ва замонавий муаллифлари асарларини таржима қилишни қўллаб-қувватлайди.

Қисқача айтганда, икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш, жумладан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, саноат, энергетика, транспорт ва қишлоқ хўжалиги жабҳаларида алоқаларни мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алмашувлар дастури кўламларини кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд.

Ўзбекистон ва Туркманистон Президентларининг бўлажак учрашуви қардош мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантиришга катта суръат бағишлайди, уларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

Эришилган келишувлар, ўз навбатида, икки давлат халқлари фаровонлиги, Марказий Осиёда тинчлик ҳамда барқарор тараққиётни мустаҳкамлаш йўлидаги салоҳиятни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

**«Дунё» АА.**

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУЛОҚОТ ПЛАТФОРМАСИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

*Яқинда Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг саммити акс садоси ҳамон давом этаётир. Негаки, унда бугунги куннинг ниҳоятда долзарб, яъни мавжуд геосиёсий вазиятда мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни кучайтириш масаласи муҳокамалар марказида бўлди.*

## Мушоҳада

Айтиш жоизки, сўнгги бир неча йил мобайнида Ўзбекистоннинг МДҲ доирасидаги фаолияти янада жонланди. Мамлакатимиз 2020 йилда илк бор МДҲга раислик қилди. Ўзбекистоннинг ушбу форматда айнан иқтисодий ҳамкорликка катта урғу бераётгани бежиз эмас. Зеро, мамлакатларимизнинг узоқ муддатли манфаатлари ва иқтисодий тараққиётининг асосий мақсадлари доимо муштарак бўлган. Шу жиҳатдан Президент Шавкат Мирзиёев МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқида Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудида иқтисодий алоқалар изчил ривожланиб бораётганлигига алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, юртимизнинг ташкилотга аъзо давлатлар билан товар айланмаси ўтган йилда 35 фоиз ошган. Биргина шу йилнинг бошидан буён Ўзбекистонда Ҳамдўстлик мамлакатлари иштирокида 800 дан ортиқ янги корхоналар ишга туширилди. Уларнинг аксарияти саноат кооперациясига асослангани билан аҳамиятлидир. Зеро, айнан саноат кооперацияси нафақат ишлаб чиқариш, балки хизмат кўрсатиш, илмий-техник ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни назарда тутади.

Шунингдек, саммитда ўзаро савдодаги тўсиқларни тезкор бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш зарурлиги, МДҲда эркин савдо режимини янада либераллаштириш — Ҳамдўстликнинг барча мамлакатлари учун иқтисодий ўсишнинг янги имкониятларидан фойдаланишга шароит яратиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Бу, айниқса, ҳозирги геосиёсий шароитда ниҳоятда муҳим. Бунда ўзаро савдодаги маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, техник тартибга солиш ва стандартлаштириш, транспорт ташувлари, санитария, ветеринария чораларининг келишилиши диққат марказида бўлмоғи керак. Чунки санаб ўтилган йўналишлардаги ечимини кутаётган масалаларнинг ҳал этилиши Ҳамдўстликнинг барча мамлакатлари манфаатларига мос келади. Бу борада Ўзбекистон доимо амалий мулоқотга тайёр.

Бундан ташқари, МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида нарх-навонинг сунъий ўсишига йўл қўймаслик ва инфляцияни жиловлаш мақсадида МДҲ маконида озиқ-овқат маҳсулотлари тўсиқларсиз етказиб берилиши учун қулай шарт-шароит яратиш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида мамлакатларимиз транспорт тизимига бўлган жиддий таҳдидларни инобатга олган ҳолда, янги логистика йўлакларини ҳамкорликда ривожлантириш ғоят муҳимлигига тўхталиб ўтди.

Хусусан, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар ҳамда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлларини қуриш лойиҳаларининг халқаро аҳамияти аниқ кўрсатиб берилди. МДҲни трансқитъавий транспорт ташишларнинг муҳим занжирига айлантиришга кўмаклашадиган ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши Ҳамдўстлик мамлакатлари учун улкан иқтисодий имкониятлар эшигини очади. Қолаверса, қўшни Афғонистоннинг кейинги тараққиёти учун ҳам мустаҳкам пойдевор ҳозирлайди.

Умуман олганда, Остона саммити, унинг доирасида ўтказилган халқаро тадбирлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ўзаро манфаатли мулоқот платформаси вазифасини ўтади, дейиш учун асослар бор.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.**

# ТАШАББУС ВА ҒОЯЛАР ҲЕЧ КИМНИ БЕФАРҚ ҚОЛДИРМАДИ

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг Остонада ўтказилган икки саммит — Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисларидаги чиқишлари ташаббус ва ғояларга бойлиги билан халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини тортди.*

## Фикр

Аввало, айтиш жоизки, бу анжуманлар сўнгги вақтларда вужудга келаётган янги геосиёсий эврилишлар, глобал иқтисодиётдаги узилишлар, давлатлар ўртасидаги турли можаролар кескинлашган бир пайтда ўтказилгани билан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу боис умумий хавфсизлик, ўзаро ишонч ва алоқаларнинг сустлашиб бораётгани барча қатнашчи давлатлар раҳбарларининг эътиборида бўлди, дейиш мумкин.

Ҳар икки саммитда давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар, Марказий Осиёда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш ва мамлакатлараро шерикликни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари минтақада яшаётган ҳар бир фуқарони бефарқ қолдирмади.

Президентимиз ўз нутқида замонавий таҳдидларни фаол ва ишончли мулоқот, ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, умумэътироф этилган ҳуқуқий меъёрлар асосида енгиб ўтиш мумкинлигига эътибор қаратди. Илгари сурилган умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлидаги ҳамжиҳатлик бўйича ташаббусларнинг асосий мақсади ҳам мамлакатлар тинчлиги, барқарорлиги ва равнақини таъминлашдан иборатлиги алоҳида урғуланди.

Анжуманлар доирасида Шавкат Мирзиёев қатор давлатлар етакчилари билан учрашиб, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кучайтириш масалаларини муҳокама қилди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон томони ҳар қандай эзгу ва хайрли лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Барчага маълумки, яқин қўшничилик, мамлакатлар ривожи ва халқаро савдо алоқаларида Буюк Ипак йўли тарихан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бугун мазкур йўлнинг замонавий муқобилини яратиш зарурати пайдо бўлаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис Президентимиз МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида минтақа мамлакатлари транспорт тизимига "янги ҳаво" олиб кириш мақсад қилинган истиқболли логистика йўлакларини ҳамкорликда ривожлантириш, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар ҳамда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлларини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш муҳим эканини таъкидлаб ўтди.

Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда маданий-гуманитар, хусусан, илмий-техникавий ҳамкорлик бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Шу маънода, ҳар йили шахмат бўйича Ҳамдўстлик очиқ кубогини ташкил этиш, ўзаро инновацион ҳамкорлик ва ёшлар масаласида муносабатларни кенгайтириш мақсадида келгуси йилда Ўзбекистонда Ҳамдўстлик давлатлари ёш олимларининг "Ёшлар инновация тарафдори" шиори остидаги биринчи конгрессини ўтказиш таклифларини билдирди.

Мухтасар айтганда, Остонада ўтган мазкур анжуманлар ва унинг доирасидаги учрашувлар Осиё ва МДҲ мамлакатлари тараққиётида, бу ҳудудларда истиқомат қилувчи кўп миллионли аҳоли фаровонлигини таъминлашда, шу билан бир қаторда, мамлакатимизнинг истиқболида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

**Манзура САЛИМОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ЯНГИ ДАСТУР ИШГА ТУШИРИЛДИ

1 БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Матильда Димовска ҳам ушбу дастурнинг алоҳида ўрни ҳақида тўхтала туриб, Гендер тенгликка эришиш учун нишон халқаро сертификатини олиш бутун дунёда давлат муассасалари, уларнинг гендер тенгликка эришиш ва хотин-қизлар ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш борасидаги интилишу ҳаракатлари эътирофи эканини алоҳида таъкидлади. Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси гендер тенглик бўйича сертификат олиш халқаро дастурида қатнашиш учун мамлакатимиз томонидан танлаб олинганини қайд этилди.

Тадбир давомида Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари Отабек Чориев идоранинг гендер тенгликни тарғиб қилиш ва хотин-қизлар ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришга содиқлигини айтиб, Давлат божхона қўмитаси 2020 йилда “Гендер тенглик фаоли” миллий танловининг “Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи энг яхши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган” номинациясида ғолиб бўлганини ва бугунги кунда қўмита бу борадаги ишларни изчил давом эттираётганини билдирди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар гендер тенгликка эришиш бўйича янги ёндашувлар, ғоялар ва ташаббуслар юзасидан фикр алмашди, бир қатор давлат идоралари ушбу дастурда иштирок этишдан ва БРМга эришиш ҳамда 2030 йилга қадар Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш стратегиясини амалга оширишга ҳисса қўшишдан манфаатдор эканлигини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# ВАЗИР ДЕПУТАТЛАР САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ ҚАЙТАРДИ

1 Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 531 уйнинг 24 мингта хонадони, 52 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик энергияси билан таъминланади.

Бундан ташқари, Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида ҳозирги кунда фойдаланиб келинаётган иссиқлик таъминотининг очиқ тармоқли тизимидан ёпиқ тармоқлисига ўтиш ва иситиш тизимида замонавий технологияни татбиқ этиш орқали 1 855 та кўп квартирали уйдаги 85 минг 777 та хонадон ҳамда 193 та ижтимоий объект иссиқ сув ва иссиқлик энергияси билан қамраб олинади.

Халқ вакиллари соҳада олиб борилаётган ишларни эътироф этиб, иссиқлик энергиясини иқтисод қилиш бўйича замонавий технологик ускуна ва жиҳозларни қўллаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан саволлар беришди.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири айтиб ўтганидек, ҳудудлардаги 29 та “Янги Ўзбекистон” массивида 2022 — 2026 йилларда 68 мингдан ортиқ хонадонлардан иборат 1 979 та кўп қаватли уй ва 155 та ижтимоий соҳа объекти қурилиши режалаштирилган. Мазкур биноларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида 28 та қозонхона ва 219 км. иссиқлик тармоқларини тортиш мўлжалланган.

Шунингдек, кўп қаватли уйлар иссиқ сув билан қуёш коллекторлари орқали таъминланиб, ёз ойларида қозонхона ишлатилмайди. Барча кўп қаватли уйларнинг ички иситиш тизимини горизонтал услубда лойиҳалаштириш орқали ҳар бир хонадонда ҳисоблагич ўрнатиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, жорий йилда 1 886 та уйнинг том қисми, 2 815 та уйнинг кириш йўлаклари, 1 228 та уйнинг ертўла қисмидаги муҳандислик-коммуникациялари, 967 та уйнинг фасад қисми таъмирланди.

“Ҳукумат соати”да депутатлар сайловчиларни ўйлантираётган масалалардан келиб чиқиб, айрим ҳудудларда тоза ичимлик суви таъминоти ҳамда янги қурилаётган уй-жойларнинг инфратузилмасини яхшилаш борасида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан қизиқдилар.

Вазир халқ вакиллари томонидан берилган саволларга кенг ва атрофлича жавоб қайтарди. Муҳокамаларга бой кечган “Ҳукумат соати”да депутатлар мавжуд муаммоларни бартараф этиш, соҳа истиқболига қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар беришди.

Кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# МУВАФФАҚИЯТЛИ БИОТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

*Бугун инсоният сунъий ҳид, таъм ва ранг кучайтиргичлардан иборат истеъмол товарларидан воз кечиб, табиий, экологик жиҳатдан соф озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларга талаб билдираётгани фан ва технология ходимларини жиддий ўзгаришлар ясашга ундамоқда. Наманган давлат университетининг биотехнология факультети олимлари томонидан амалга оширилаётган тадқиқотларнинг аксарияти айни мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.*

## Илм-фан

Факультетдаги олтмишдан зиёд профессор-ўқитувчилар кейинги пайтларда 30 дан ортиқ мавзудаги изланишлар доирасида фан ва ишлаб чиқаришнинг янги қирралари устида иш олиб бормоқда. Бу ердаги учта лаборатория ва цехлар USAIDнинг 30 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағлари эвазига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш имконини берувчи замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Факультетда ўз натижасини берган тадқиқотлар ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, ноанъанавий хомашё ва сабзавотлардан цукат тайёрлаш технологиясининг ўзлаштирилгани алоҳида тилга олинади. Бу борада Инновацион ривожланиш вазирлигининг 400 миллион сўмлик лойиҳаси амалга оширилаётир. Эътиборли жиҳати, ушбу юмушларга талабалар ҳам жалб этилган бўлиб, уларнинг 30 нафари маош олган ҳолда фаолият юритяпти. Цехларнинг бирида тайёрланаётган цукатга хомашё сифатида қовун ҳамда тарвуз пўчоқлари, сабзи, ошқовоқ ва қизил лавлаги сингари неъматлар танлаб олинган.

Таъкидлаш жоизки, олийгоҳда яратилган цукатлар юз фоиз табиийлиги билан анъанавий маҳсулотдан фарқланиб туради. Арзон, витамин ва минералларга бойлиги эса бугунги кунда кенг тарқалган калорияси юқори, кимёвий кучайтиргичли турдошларини истеъмол бозоридан суриб чиқаришга хизмат қилади. Шу боис ҳам унга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб юқори. Яқинда Бирлашган Араб Амирликларига юборилган маҳсулот намуналарига катта қизиқиш билдирилаётгани фикримиз тасдиғидир.

Биотехнология факультети қошида ташкил этилган яна бир цехда USAIDнинг “Маҳаллий оқсилга бой ҳайвон иккиламчи хомашёларидан балиқ озуқаси ишлаб чиқариш технологиясини яратиш” лойиҳаси амалга оширияпти. Мазкур цехда 32 нафар талаба меҳнат қилаётир.

— Биз бу лойиҳани амалга ошириш жараёнида иккиламчи хомашё сифатида ҳайвон терисидан фойдаланяпмиз, — дейди факультет декани Шуҳратжон Отахонов. — Уни ўзгача усул, яъни иссиқлик ишлови бермасдан кукун ҳолига келтириш технологиясини ишлаб чиқдик. Шунингдек, маҳаллий маҳсулотлардан майда гуруч, соя кунжарасидан ҳам фойдаланиб, протеинга бой балиқ озуқасини яратдик. Ҳозирги кунда бу сингари озуқанинг бир килограмми мамлакатимизга хориждан 20 — 30 минг сўмдан олиб келинади. Биз яратган ва ишлаб чиқараётган озуқани тайёрлашга эса ўртача 5 – 8 минг сўм сарфланади. Эндиликда балиқ озуқасини 5-6 соат давомида сув юзасида муаллақ туришини таъминлаш устида тадқиқот ўтказяпмиз. Янгиликнинг афзаллиги шундаки, озуқа сув юзасида қанча узоқ турса, унинг ўзлаштирилиш даражаси юқори бўлади.

Бугунги кунда истиқболли тадқиқотлар майдонига айланган факультет жамоасининг режа-мақсадлари бисёр. Хусусан, 2023 йилда Инновацион ривожланиш вазирлигининг 800 миллион сўм маблағи ҳисобига ун маҳсулотини йод ва темир моддаси билан бойитиш лойиҳаси амалга оширилади. Шунингдек, келгусида Жаҳон банкининг “Аквакультура ўқув тренажёри лабораториясини ташкил этиш” бўйича қиймати 200 минг АҚШ доллари бўлган лойиҳа ижросига киришилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ИЖРО ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИЛМАГАН

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмиталари ҳамкорликда тадбир ўтказди.*

## Тадбир

Унда “Обод қишлоқ” ҳамда “Обод маҳалла” дастурлари ва бошқа давлат дастурлари доирасида Бош прокуратура томонидан йўл-транспорт ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун ажратилган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари атрофлича кўриб чиқилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, Президентимизнинг тегишли қарорига асосан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижроси бўйича жорий йилда махсус электрон дастурга 10 915 та объект киритилган. Маълумотларга кўра, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш талаб этиладиган 7 040 та объектнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилган, 6 947 таси экспертизадан ўтказилган, 6 899 тасининг тендер савдолари якунланган. Мазкур тадбирлар учун жами 5,3 трлн. сўм ажратилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунда жами 3,29 трлн. сўм молиялаштирилган.

Депутатлар амалга оширилган амалий ишлар билан бирга, йўл қўйилган бир қанча хато ва камчиликларга эътибор қаратди.

Хусусан, 8 та объект бўйича экспертиза хулосалари олинмагани, 48 та объект бўйича тендер (танлов) савдолари охирига етмагани халқ вакилларининг эътирозига сабаб бўлди. Айрим соҳаларда йўл қўйилаётган қолоқликлар дастурлар ижроси ўз вақтида бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳудудий ҳокимликлар томонидан етарли чоралар кўрилмаётганлиги натижасида дастурлар учун маҳаллий бюджетдан ажратилиши режалаштирилган 1 459 млрд. сўмнинг шу кунгача 826,8 млрд. сўми ёки 57 фоизи жамғармаларга йўналтирилган.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилишда қурилиш материалларининг етишмовчилиги, ҳудудий ҳокимликлар буюртмачилигидаги ижтимоий соҳа объектлари, ичимлик суви ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бинолари қурилиши бўйича техник назорат таъминланмагани танқид остига олинди.

Халқ вакиллари томонидан соҳада амалга оширилаётган ишлар бўйича жойларда ўз сайловчилари билан учрашувлар доирасида тегишли ташкилотлар билан тизимли назорат олиб бориладиган бўлди.

Кун тартибидаги масала юзасидан қўмиталарнинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## Интилиш

***Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноати ўтмишда маҳаллий хомашёни қайта ишлашга асосланган кўп асрлик тарихга эга. Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон орқали ўтиши, бу ерда ишланган пахта ва ипакли матолар ҳунармандчилиги, ўзига хос хушбичим миллий уст-бош ва оёқ кийимлар, суратлар чизилган сопол идишлар дунёнинг кўплаб давлатларида машҳур бўлган.***

***Ҳозирги вақтга келиб, дунёда экспортни амалга оширувчи енгил саноат тармоқлар орасида юқори рейтингга эга бўлиб турибди. Бу соҳа экспорт товарлар номенклатурасида йигирилган калава ипдан тортиб тайёр маҳсулотгача бўлган кенг тармоқни ўз ичига олган. Шу нуқтаи назардан, соҳанинг экспорт потенциали салмоқли ўринга эга бўлиб, унинг ривожланиш йўналиши мавжуд стратегик инвестор, жаҳон бозоридаги товарлар конъюнктураси, бизнес режанинг самарадорлиги, кадрларнинг экспорт ишлаб чиқариш талабларига мувофиқ келишига боғлиқдир.***

# ТЎҚИМАЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ



1991 йилгача республикада пахта толасини қайта ишлаш 10 фоиз, маҳсулотни экспорт қилиш 7,7 млн. доллардан ошмаган. Сўнгги йилларда мамлакатимиз тўқимачилик саноатида туб миқдор ва сифат ўзгаришлари юз берди. Шу вақт мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 5,1 бараварга ошди. 2016 — 2021 йилларда тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорти 6,2 фоизга ўсди. Умумий экспортда тўқимачилик саноатининг улуши 17,7 фоизга етди. Экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг турлари эса 450 дан ошди.

Мамлакатимиз бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. “Наманган тўқимачилик саноати институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент қарорининг қабул қилиниши нафақат ушбу вилоят, балки республикамиздаги тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришга, соҳа тармоқларини рақобатбардош кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади. Бугунги кунда Наманган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистондаги энг илғор вилоятлардан бири ҳисобланади. Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш Наманганнинг драйверига айланди.

Яна бир жиҳат. Мамлакатимизда ўтказилаётган туб ислоҳотлар халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилиб, ўзбек пахтасига бойкот бекор қилинди ҳамда 2021 йил 10 апрелдан Ўзбекистон “GSP+” нинг умумий преференциялар схемаси бўйича бенефициар мамлакат сифатида қабул қилинди. “GSP+” ривожланаётган мамлакатларнинг ривожланган давлатларга экспорт қилинадиган товарларига тарифларни тўлиқ бекор қилиш имтиёзини тақдим этади. Бу ҳам ўзбек тўқимачилик маҳсулотларининг экспорти янада ўсишига хизмат қилади. Мазкур чора-тадбирлар натижасида тармоқда ўн минглаб янги иш ўринлари яратилади, халқимиз фаровонлиги ҳамда мамлакатимиз иқтисодиёти ва экспортидаги аҳамияти янада ошади. Демак, Президентимиз қарори келажакда тўқимачилик саноатини минглаб малакали, замонавий билимларга эга янги кадрлар билан бойитиш ишига хизмат қилади. Боз устига, ушбу қарор Наманган вилоятида тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишга, халқаро талаб ва таклифларга мос маҳсулот яратувчиларини тайёрлашга ҳуқуқий асос бўлади.

Мазкур ҳужжат янги олий таълим муассасасини замонавий талабларда ташкил этишнинг барча жабҳасини қамраб олиши билан ҳам аҳамиятли. Қарорда қўшма таълим дастурларини жорий қилиш, таълим билан ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, талабаларни мустақил билим олиш, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтириш, тўқимачилик соҳасидаги етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, талабалар учун хорижий ва маҳаллий йирик тўқимачилик корхоналарида танишув ва малакавий амалиётини ўташ, шунингдек, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Айниқса, институт ҳузурида тўқимачилик технопарки фаолиятининг йўлга қўйилиши вилоятга халқаро ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш, олийгоҳда технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларни эркин тижоратлаштириш, келгусида ушбу институтнинг молиявий мустақиллигини таъминлашга замин яратса, илғор тўқимачилик муҳандислиги мактаби, дизайн студияси ҳамда инновациялар ва технологиялар трансфери марказларининг очилиши ишлаб чиқарувчиларнинг тўқимачилик матоларининг технологик ҳолатини баҳолаш ва бўяш-пардозлашдаги муаммоларини бартараф этишга, таълим жараёнида ва ундан ташқари вақтларда талабаларга замонавий либос яратишга, профессор-ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот ютуқларини тижоратлаштириш, янги ишланма ва технологияларни амалиётга жорий этишга ёрдам беради.

Кези келганда, юртимизнинг тўқимачилик саноати истиқболига назар ташлаш мақсадга мувофиқ. Мамлакатимизда 2016 йилдан бошланган янги даврда тўқимачилик саноати шиддатли даражада ривожланиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг драйверларидан бирига айланди. Қисқа фурсатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий база ва қулай шароитлар яратилди. Ҳаракатлар стратегиясида, сўнгра Тараққиёт стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар орасида ҳам пахта толасини чуқур қайта ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон жаҳоннинг энг кўп пахта етиштирадиган ва экспорт қиладиган давлатлари қаторига кирса-да, шўролар даврида мамлакатимизда пахтанинг бор-йўғи 8 фоизи қайта ишланарди, холос. Тўғри, 2016 йилга қадар бу борада муайян тадбирлар ўтказилди. Лекин бу даврда мазкур тармоқдан хорижга экспорт, асосан, пахта толаси ва қисман калава ип шаклида амалга оширилар эди. Ҳолбуки, пахта толасини чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулот шаклида бозорга чиқариш уни тола ва ип-газлама сифатида сотишга қараганда бир неча баравар кўпроқ фойда келтиради. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Тўқимачилик — иқтисодиётимиз учун жуда катта имконият ва захирадир. У бизга кам харажат билан олтиндан ҳам кўп даромад келтирадиган соҳа ҳисобланади!”. Шу боис пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш, ундан сифатли, арзон ва харидоргир тайёр товарлар ишлаб чиқариш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, 2016 йилнинг 21 декабрида “2017 — 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Президент қарори имзоланди.

Мазкур қарор тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғи ривожида янги даврни бошлаб берди. Унда тармоқни модернизация ва диверсификация қилиш асосида жадал ривожлантириш, пахта толаси ва ипак хомашёсини чуқур қайта ишлашни таъминлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини кескин ошириш бўйича вазифалар қўйилди. Қарорда корхоналарга имтиёзли кредит, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар бериш, микрофирмалар, кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи тўлаш, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш каби чоралар белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 декабрда имзоланган “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш “Йўл харитаси” тасдиқланди. Унда жумладан, тўқимачилик яримтайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишдан воз кечиб, хомашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, у билан ички бозор эҳтиёжларини тўла таъминлаш ва хорижга экспорт қилиш ҳажмларини кескин ошириш вазифалари янада аниқлаштирилди. Президентимизнинг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорларида ҳамда пандемия пайтида қабул қилинган қатор ҳужжатларда тармоқни янада ривожлантиришнинг қўшимча чоралари белгиланди, ишлаб чиқарувчиларга солиқ, бож, кредит имтиёзлари ва преференциялар бериш янада кенгайтирилди.

Шу йилнинг 28 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган пахтачилик ва тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам соҳани жадал ривожлантириш учун қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Мухтасар айтганда, тўқимачилик саноатини ривожлантириш борасида давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар 2016 — 2021 йилларда саноатнинг шиддатли ўсиши учун асос яратди. Шу вақт мобайнида тармоқда 350 та йирик замонавий корхона ишга туширилди. Янгидан ташкил этилган кичик корхона ва цехлар бундан бир неча баравар кўп. Умуман олганда, бугун тўқимачилик соҳасида 7,3 мингдан зиёд мустақил хўжалик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” дастурлари орқали минглаб оилалар тикувчилик машиналари билан таъминланди ва иш бошлади. Чекка-чекка қишлоқларда фабрикаларнинг буюртмалари билан уйларида кийим тикаётган ёки ўзлари мустақил ишлаётган тикувчилар ҳам жуда кўп ва уларнинг сони тобора ошиб бормоқда.

Ўтган давр мобайнида толанинг тобора кўпроқ қисми ўзимизда тайёр маҳсулот даражасига етказила бошланди. Ва ниҳоят, 2021 йилда мамлакатимиз тўқимачилик саноатида узоқ йиллардан буён орзу қилган натижага эришдик. Яъни пахта толасининг ҳаммасини юртимизда қайта ишлаш таъминланди. Ўша йили тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорти 2,9 млрд. АҚШ долларига етди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида чуқур қайта ишланган тайёр маҳсулотлар улушининг кескин ошиши экспортда ҳам ўз аксини топди. 2016 йилда экспортнинг 65 фоизи калава ип бўлган бўлса, 2021 йилда экспорт таркибида тайёр кийимлар — тикув-трикотаж ва пайпоқ маҳсулотлари улуши 32 фоизни ташкил этди. Яъни шу даврда тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорти 6,2 фоизга ўсди.

Президентимиз раҳбарлигида бошланган ислоҳотлар эвазига сўнгги олти йилда ўзбек тўқимачилик маҳсулотларининг сифати кескин ошганлиги ва барча кўрсаткичлар бўйича кўпчиликка маъқул бўла бошлаганлиги хорижий давлатларда уларга бўлган эҳтиёжнинг ҳам ошишига сабаб бўлди. “Ўзбекистонда тайёрланган” бренди остида чиқаётган маҳсулотлар жаҳон бозорларини эгаллай бошлади. Тармоқдан “Posco Textile”, “Osborn Textile”, “Indorama Kokand Textile”, “XORAZM TEX” “Nil-Granit”, “Elegant Garment Textile”, “Pronto Textile Group”, “Идеал” каби чет элларда ҳам таниқли ўнлаб корхоналар ўсиб чиқди.

Агар яқин давргача экспортнинг асосий қисми Ҳамдўстлик мамлакатларига тўғри келган бўлса, бугун Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари 80 га яқин давлатларга экспорт қилинмоқда. Бу жуда катта натижа, яъни хорижда товарларимизга қизиқиш тобора ортиб боряпти ва шу боис яқин келгуси даврда тўқимачилик маҳсулотларимизни сотиб олаётган давлатлар сафи янада кенгайиши аниқ. Ўзбекистонда тайёрланган тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт географиясига назар солсак, унинг, ҳақиқатан ҳам, дунёни эгаллаб бораётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази маълумотларига кўра, Европанинг Буюк Британия, Франция, Италия, Германия, Португалия, Испания, Нидерландия каби 27 давлатига тайёр кийимлар экспорт қилинмоқда. Америка қитъасининг АҚШ, Канада, Бразилия каби 8 та давлатида маҳсулотларимизни сотиб олишмоқда. Осиёнинг Япония, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон каби 20 дан ортиқ давлатларида тўқимачилик маҳсулотларимиз аллақачон ўз харидорларини топган. Ҳатто, олис Африка қитъасининг Миср, ЖАР, Марокаш, Тунис давлатларида “Ўзбекистонда тайёрланган” бренди маълум ва машҳур бўлиб улгурди. Шу тариқа дунё харитасида “Ўзбекистон” деб аталмиш янги ва қудратли тўқимачилик маркази пайдо бўлди.



Бошқа томондан, тўқимачилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида аста-секин миллий бозорларимиз ўзимизда тикилган кийимлар билан тўла бошлади. Аввалги вақтларда савдода кийимлар кўп, лекин аксарияти хорижники бўларди, ўз маҳсулотларимиз деярли сотилмасди. Кейинроқ дўконларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган сочиқ, болалар кийимлари каби харидоргир маҳсулотлар пайдо бўла бошлади. Улар сифатли ва арзонлиги боис харидорлар энди ўз маҳсулотларимизни сотиб ола бошлашди. Бора-бора пештахталарда Ўзбекистон маҳсулотлари турлари кескин кенгайди — дўконларда аёллар, эркаклар ва болалар учун ўзимизда тикилган бежирим ва арзон кўйлаклар, костюм-шимлар кўпайди. Улар бежиримлилиги, қулайлиги ва арзон нархи билан Ўзбекистон бозорларидан импорт маҳсулотларни деярли сиқиб чиқарди.

Бугунги кунда тўқимачилик саноати Ўзбекистон иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга тармоққа айланди. Аввало, уни ривожлантириш учун мамлакатимизда етарли хомашё базаси мавжуд. Дейлик, тўқимачилик цехини кичкина жойда барпо этиб, кўп одамни иш билан таъминлаш мумкин ва уни ҳатто уй шароитида ҳам ташкил қилиш қийин эмас. Шу йўл билан ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш салоҳияти мавжуд. Мамлакатимиз тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғининг барқарор ва шиддатли ривожи давом этади. Тармоқни ривожлантириш дастурида 2025 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 15 млрд., экспортни эса 7 млрд. АҚШ доллари миқдорига етказиш режаси белгиланган.

Хомашёни чуқур қайта ишлашга, ундан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга янада кўпроқ эътибор берилади. Халқаро бозорда харидоргир бўлган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Сифатни янада ошириш мақсадида тўқимачилик соҳасидаги халқаро стандартларга ўтилади. Умуман, тармоқнинг захиралари жуда катта. Жумладан, жорий йил 28 июнда ўтказилган йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, калава ипни тайёр маҳсулотгача қайта ишлаш даражасини 100 фоизга етказсак, қўшимча яна 9 млрд. долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин, ишларни тўғри ташкил қилсак, тўқимачиликдаги иш ўринларини ҳозирги 400 мингдан 1 миллионга етказиш имкониятига эга бўламиз. Хуллас, мамлакатимизда соҳа ривожи учун зарур шароит, қулай табиий иқлим, хомашё, энергия манбалари, меҳнат ва бошқа ресурслар етарли. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор бу борада муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

**Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, техника фанлари номзоди, доцент.**

*Эркин Воҳидов жасур ва шижоатли адиб, чинакам миллатпарвар инсон, ўзбек маданиятининг тимсоли эди. Халқимизнинг юрагидаги армон ва дардларини, унинг қувонч ва шукронасини ўз ижодида юксак маҳорат билан ифода этарди. Ўзингиз ўйланг, ўша мустабид тузум даврида "Ўзбегим" дея баралла айтиш учун қандай катта юрак, мардлик ва жасорат керак. Ўзининг дурдона асарлари билан адабиётимиз хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган, халқимизнинг маънавий оламини, миллий ғурур-ифтихорини юксалтириш йўлида унутилмас хизмат қилган бу улкан ижодкорни эл-юртимиз ҳамиша эҳтиром билан ёдга олади.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



«Халқ сўзи» йўлланмаси билан

# «Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст!»

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги сўзлари замирида адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган, юртимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда улкан меҳнати сингган атоқли ижодкор, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовга бўлган юксак эҳтиром ифодаланган. Маърифатни қадрловчи, зиёлини эъзозловчи Миллат сардори суюкли шоиримизни ҳамиша йўқлаб тургани, касталик чоғларида тез-тез хабар олганини Эркин Воҳидовнинг оила аъзолари, фарзандлари, яқинлари миннатдорлик билан гапиришади. Бундай самимий ва чексиз муносабат улуғ шоир вафот этганидан кейин ҳам тўхтаб қолмади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрь куни "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори имзоланиши, 2018 йилда эса Марғилон шаҳрида шоир номидаги ижод мактабининг очилиши ҳам ана шу улуғвор ҳурмат ва эҳтиромнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Донишманд шоир ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамияти инобатга олиниб, унинг хотирасини абадийлаштиришга қаратилган бундай ишлар фақат яхшиликка, эзгуликка хизмат қилмоқда.

Ҳар бир сўзни авайлаб-асраган, ардоқлаган Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ҳам, фаолияти ҳам ибрат бўлгулик. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида бугун унинг босиб ўтган йўли ўрганилмоқда. Шеър ва ғазаллари, публицистик мақолалари, тилимизни эъзозлаш борасидаги ўткир чиқишларидан сабоқлар олинмоқда.



Мактабда 157 нафар ўқувчи тарбияланмоқда. 12 та ўқув хонаси, 5 мингдан ортиқ китоб жамламасига эга кутубхона ёш ижодкорлар ихтиёрида. 100 ўринли ошхона, 100 ўринли ётоқхонада замонавий шароит яратилган. 27 нафар педагог ва тарбиячи ўқувчиларнинг барча фанлардан пухта билим олишлари, айниқса, она тили ва адабиёт, хорижий тилларни мукаммал ўрганишларига ҳам ижодий ёндашади.

Ёшлар назм, наср, бадиий публицистика, бадиий таржима йўналишларида тинимсиз изланишади. Инглиз, рус, турк ва араб тилларида шеърлар ёзади, устоз Эркин Воҳидов шеърларини хорижий тилларга таржима қилади. Мактабда "Ўзбегим" радиоси ташкил этилган. Республика ва халқаро ижодий танловларда муносиб эътироф этилаётган ёшларни кўриб, бу даргоҳ ўқувчиларнинг ижодий юксалишларига замин яратувчи адабиёт мактаби бўла олишига ишончингиз ортади.

Таълим масканида ўқиётган ўғил-қизларнинг илмга ташналиги, тил билишга иштиёқи баландлиги бир тараф экану, шеър айтмоққа, сўз битмоққа бениҳоя иқтидорлилиги алоҳида эътирофга арзигулик экан. Уларнинг гап-сўзларига қулоқ тутиб, шеърларини тинглаб, англадикки, Эркин Воҳидов ижоди улар учун чинакам ибрат бўлмоқда. Сўзимизнинг исботи учун мазкур мактаб битирувчиси — Муаттар Маткаримованинг шеърини келтирамиз:

*Эсингиздами, дада?*
*Кенг дала этаги осмонга туташ,*
*Сиз кетмон чопасиз, чой дамлаш менга.*
*Эҳтимол, бир умр топмасам керак,*
*Бахтга қоришилган шу дамлар тенгин.*

*Қандай сабаб билан ёдимда йўқ-ку,*
*Радио қулоғини бурайман, титроқ,*
*Биз исмини билмас нотаниш ҳофиз*
*"Ўзбегим" қўшиғин айтар эзгинроқ.*

*Фақат шундагина сукутда дала,*
*Ҳатто мен-да жимман, ҳеч тинчимас қиз.*
*Яхши англаганман. Дада, кетмонга*
*Фақат шундагина ўйчан боққансиз.*

*Кўнгилга туташган қўшиқ тинмайди,*
*Бир талай аллома исмини айтиб.*
*Сел бўлиб тинглайсиз "Ўзбегим"ни сиз.*
*Бу мискин ҳолатни кўрмадим қайтиб.*

*Асл шеър кўнгилга қуйилиб кирар,*
*Кўтара олсак бас, унинг юкини,*
*Қачонки дунёлар кашф этилади,*
*Ўзбек англаганда ўзбеклигини.*

Яшириб нима қилдик, илгари мактаб дейилганда, кўз олдимизда оддий ўқув хоналари, доска, стадион ва яна икки-учта нарса гавдаланарди. Бугун эса юртимизда таълим сифатини яхшилашга, ўқитиш даражасини кўтаришга юксак эътибор қаратиляпти. Таълимга бўлган муносабат кескин ўзгарган. Бу ўзгаришлар силсиласида юзага келган, янгича ўқитиш ва услубларни ўзида мужассам этган ижод мактаблари ҳар томонлама намуна бўлмоқда. Бинобарин, бу ерда сабоқ олаётган ўқувчилар бошқа мактаблардаги тенгдошларидан фарқ қилади. Ижодга, адабиётга ташна, бу йўналишда иқтидори баланд фарзандларнинг сараланиб, улар учун бор имкониятлар яратиб берилгани ҳар қанча эътирофга арзийди. Бошқача айтганда, бу каби мактаблар шунчаки айланиб эмас, аксинча, томоша қилса арзийдиган даргоҳлар қаторидан жой олди. Ўқувчилар эса мана шу юксак шарт-шароитга муносиб бўлишга интилаётгани айни муддаодир.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Тошкент давлат шарқшунослик университети билан ўрнатилган илмий-ижодий ришталар ҳам муносиб самаралар бераётир. Ижод мактабида ҳар ўқув йили якунида 2 нафардан энг фаол ва иқтидорли ўқувчи танлаб олиниб, "Эркин Воҳидов" номидаги стипендия ва замонавий планшет билан тақдирланиши анъанага айланган.

— Инсоният яралибдики, илм олишга, ўзи яшаб турган борлиқ сир-синоатларини англашга, уни кашф этишга, ўзлигини топишга, қалбида кечаётган туйғуларни турли усул ва воситалар билан баён этишга интилиб яшайди, — дейди Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби директори Нигора Маннопова. — Бадиий ижод ҳам ана шундай интилишлар самараси ўлароқ вужудга келадиган кашфиётлар сирасига киради. Ҳа, айнан кашфиёт! Зеро, ижодкор бутун борлиққа, ўзлигига олимона синчковлик билан теран нигоҳ ташлайди. Борлиқда кечаётган ҳар бир ҳодиса, ўз руҳиятида рўй бераётган турфа эврилишлар сабабини англашга интилади. Бу изланишлари самараси ўлароқ бадиий асарлар дунёга келади. 9-синф ўқувчиси Камола Маърупова қаламига мансуб қуйидаги сатрлар бунинг ёрқин далили бўла олади:

*Ҳаёт йўлларида кезяпман бугун,*
*Эгнимга покликдан сўрадим либос.*
*Камтарлик сувидан тўйиб ичсам-да,*
*Кибру ҳасадлардан бўлолсам халос.*

*Йўлимда учраса мардлик дарахти,*
*Бетакрор лаззатли мевасин тотсам.*
*Ширин ёлғонларга йўламай тилим,*
*Юракдан аламни жарларга отсам...*

Қалбида бадиий адабиётга, она Ватанга, элу юртга бўлган меҳру муҳаббат жўшиб турган бу ёшларнинг кўзига боқиб, сўзини тинглар экансиз, улардаги шиддат, шижоатни англаб, қувончга тўласиз. Ўзбек адабиётининг келажаги ишончли қўлларда эканлигига ишонч ҳосил қиласиз:

*Шоир бўлгум сени алқаш учун эмас,*
*Хушомадгўй мисралардан сиқувдаман.*
*Ватан, сени баландпарвоз*
*гап-сўзлардан*
*Касал бўлиб қолишингдан*
*қўрқувдаман!..*

(Нилуфар Эргашева,
11-синф. "Ватан" шеъри).

Бола кўнгли — беғубор олам. Ана шу беғубор оламни тасвирлаш, бола қалбида кечаётган инжа туйғуларни шеърга солиш қаламкашдан жуда катта маҳорат, машаққат ва изланиш талаб этади. Ижод мактабининг бир гуруҳ ўқувчилари ана шундай заҳматли йўлни танлаб, ўзлари каби болажонлар қалбини шеърият билан забт этишга аҳд қилганлардан. Уларнинг шеърларида болаларга хос қувноқлик, зукколик, топқирлик, қувлик ва кутилмаган юмор устунлик қилади:

*Қовун билан Тарвузжон*
*Баҳслашиб қолишди.*
*Сен ширинми, мен ширин,*
*Дебон узоқ олишди.*

*Шундан сўнг сўрадилар*
*Ёндаги Қовоқдан:*
*"У тотлими, мен тотли?*
*Қийналдик бу жумбоқдан".*

*Қовоқ деди: "Билмайман,*
*Ишларингнинг мен сирин,*
*Лекин шу нарса маълум,*
*Иккингдан ҳам мен ширин".*

(Миржалол Сафаров,
9-синф. "Баҳс" шеъри)

Ижод мактаби ўқувчилари ҳамиша изланишда бўлиб, нафақат шеърият, балки бадиий адабиётнинг бошқа жанрларида ҳам қалам тебратишга иштиёқи баланд. Шуниси қувонарлики, уларнинг асарлари ортиқча дабдабабозлик, беҳуда сўз ўйини, кераксиз зебу зийнат, баландпарвозликдан холи. Уларда жамият ҳаётининг турли қирралари ўз ифодасини топади. 11-синф ўқувчиси Санжар Икромовнинг ўзига хос ҳикоялари юртимизнинг таниқли адиблари томонидан илиқ кутиб олинди.

Мактаб ўқувчилари эришаётган ютуқлардан яна бири — уларнинг бадиий таржима йўналишидаги изланишларидир. Улар ўзбек адабиётининг Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Эркин Воҳидов каби таниқли намояндалари шеърларини инглиз, рус, араб, қозоқ, қирғиз, турк, форс-тожик, қорақалпоқ ва бошқа халқлар тилларига таржима қилаётганлиги таҳсинга лойиқдир.

Мактабда таълим беришда ўзига хос ёндашув кўзга ташланади. Аввало, ўқувчилар қишлоқларда, чекка ҳудудларда сайёр қабуллар ташкил этилиб, кашф қилинган. Ижод мактаблари орасида илк бор ижодий имтиҳон ҳам шу мактабда йўлга қўйилиб, чин истеъдодларни тест синови баҳолай олмаслиги асослаб берилган. Бу тажриба ўзини оқлаб, бутун ижод мактаблари учун жорий этилди.

Таълим даргоҳида ўқувчи ўқишга кириш билан изланишдан тўхтамаслиги учун ҳар чоракда ижодий ва ихтисослик фанларидан мониторинг ўтказилади. Мониторинг натижаларига кўра, 2 ва 4-чоракда паст ўзлаштирганлар ўз мактабига қайтарилади. Бунинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари кўп, ота-оналарга фарзандининг кетиши ёқмайди. Мактаб маъмурияти эса қабул жараёнидан бошлаб, мониторинг сарҳисобигача ҳалоллик ва адолат мезонларида ишлашади. Бу борада уларнинг юзи ёруғ, энг асосийси, ўқувчилар ўзининг кучига ишонишга ва ўқиш учун курашишга ўрганди. Мониторинг ижодий босқичида ҳар бир ўқувчи адабиётнинг назм, наср, бадиий публицистика, бадиий таржима, саҳна асари, мумтоз адабиёт йўналишларидан ўз лаёқатига кўра бирини танлайди ва ижодий имтиҳон топширади. Бугунги кунда узоқдан қатновчи 145 нафар ўқувчи ётоқхонада туриб, таҳсил олмоқда. Уларга тўрт маҳал иссиқ овқат берилади.

Эркин Воҳидовнинг "Сўз латофати" китобида "Ўзбек тили уч дарёдан сув ичган. Диний, илмий, ижтимоий атамаларимиз асосан араб тилидан, кўпгина иш қуролларимиз, жомадон, ҳокандоз, дастшу, жомашу, дазмол, қоғоз каби ҳунармандликка оид сўзларимиз, шунингдек, юксак шеърий услубга хос суханлар форс тилидан келган", дейилади.

Мактаб ўқув дастурига жорий йилдан бошлаб араб тили фани ҳам киритилди. Бу ҳолат ўқувчиларнинг мумтоз матнлар билан ишлашида катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ижод мактабларида форс-тожик тили фани ҳам жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, мумтоз адабий меросимизни форс-тожик тилисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Президентимизнинг 2019 йил 9 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармон билан ижод мактаблари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги (ҳозирги Президент таълим муассасалари агентлиги) тасарруфига ўтказилган. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши таълим даргоҳлари келажагига қўйилган ёруғ қадамдир. Фармонда 2020 йилдан мазкур мактабларда ўқувчилар сонининг 20 нафарга туширилиши, Ёзувчилар уюшмаси тавсиясига кўра, ижодкорларнинг дарс бериш ваколати, ўқувчи сонидан қатъи назар, 1 штат бирлигида кутубхоначи лавозими киритилгани ҳамда битирувчиларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш белгиланганi таълимда сифат самарадорлиги ва мактаблар нуфузи ортишига ижобий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

— Бадиий ижод шундай дарахтки, шохида умуминсоний мевалар етилади, илдизи эса миллий заминда ётади, дейди ўз битикларида устоз Ўткир Ҳошимов. Бу ҳақиқатни мактабимиз дастуриламалига айлантирганмиз, — деб сўзини давом этиради Н. Маннопова. — Қизларимиз сочларини икки ўрим қилиб, ироқи дўппи, йигитларимиз эса Марғилон дўппини бошидан қўймайди. Нафақат кийиниши, балки юриш-туриши, хулқида ҳам шарқона ахлоққа риоя этилади, мобиль алоқа воситаларидан фойдаланиш тақиқланади. Мақсадимиз, глобаллашувнинг миллий ўзлигимиз ва қадриятларимизга салбий ахборот таҳдидидан дилбандларимиз қалбини асраш. Сўзнинг сеҳрли қудратини фақат эзгулик йўлига сафарбар қилиш. Ҳазрати инсон бўлиб қолиш учун эса сўз ва амал уйғунлигига риоя этиш. Чунки олдимизда шарафли вазифа турибди: миллатга хизмат қилиш. Ўқувчиларимиз эса миллатнинг эртанги ойдинлари бўлиши керак.



Мактаб директори Нигора Маннопова билдирган бу фикрларни эшитиб, иш услубини кузатиб, унинг жонкуярлиги ва фидойилигига кўз тегмасин, дедик. Нафақат у, балки бошқа ўқитувчи ва мураббийлар ҳам меҳру муҳаббат билан дарсларга ёндашишига гувоҳ бўлдик. Ҳар бир ўқувчини ўз фарзандидек азиз билиб, уларга дарс бераётган устозларни қадрлашни ҳам шу мактаб ўқувчиларидан ўрганиш керак экан.

Гап шундаки, хоналарни айланаётиб, мактаб директори ва бошқа ўқитувчилар ўтирадиган хоналар эшигига қоғоз парчалари ёпиштирилганини кўриб, дастлаб ҳайрон қолдик. Бу нима экан, дея қизиқиб кўрсак, ўқувчилар устозларига бўлган эҳтиромларини: "Сизни яхши кўрамиз, устоз", "Меҳрингиз учун раҳмат!", "Отамдан ҳам улуғим" каби сўзлар билан билдиришган экан. Дилни тўлқинлантирадиган нақадар таъсирли манзара. Бундай самимий муносабатнинг яна бир сири устоз ва шогирдларнинг диллашуви, сирлашуви, шеърлашувида экан. Қаранг, ўқувчиларнинг ўз ижод намуналаридан тинглаётганимизда, улардан бири: "Устозлардан ҳам эшитайлик", деб қолди. "Яхши бўларди, қани, қани", деган хитоблардан кейин ҳозиргина бизни суратга олиб юрган йигит — мактаб мураббийларидан бири Абдуҳаёт Абдуқодиров шеър айтди. Унинг ўйноқи, халқона оҳангларга йўғрилган шеъри тугамаёқ, директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Турсунали Нурматов янги ёзган ашъоридан ўқиди. Унга яна бошқалар ҳам жўр бўлди.

Мана буни ҳақиқий сабоқ десак бўлади!..

Эркин Воҳидов асл иқтидор эгасини илғаб олишда қанчалик зукко бўлса, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришда ҳам шунчалик жонкуяр бўлгани ҳақида кўп эшитганмиз, ўқиганмиз. Ўзбекистон халқ шоири, раҳматли Анвар Обиджон ҳам Эркин Воҳидовнинг яқин шогирдларидан бири эди. У киши ўз устозининг одамийлиги ҳақида шундай ёзган: "Ижодда файласуфлик билан одмиликни, қаҳру нафрат билан одамийликни, курашувчанлик билан гўзалликни уйқаш тарзда намоён қила олиш учун шоирга истеъдодли бўлишнинг ўзи камлик қилади шекилли. Чамаси, бундай қаламкашларда болаларча беғуборлик, ўсмирларча нозиктабиатлик, ошиқ йигитларга хос мажнуннамолик, дарвешона ошуфтаҳоллик, руҳонийларча покизафеъллик, гулчиларга монанд чиройсеварлик туйғулари кўпроқ томир отган бўлади. Бундай кишилар одатда босиқ, безарар кўринишади, ноҳақликка дуч келганда ҳам жазаваланиб баҳслашишни эплашолмайди, ҳадикчилик, ўчкорлик, ҳасадгўйлик ҳисси улардан тамоман бегона. Шу хусусиятлар Эркин акада ҳам бўртиб туради, уни яқиндан билганларнинг кўз ўнгида ҳар вақт кичикфеъл инсон, очиқюз суҳбатдош, нозиктаъб шоир қиёфасида гавдаланади. Эркин акадан бировларга фақат яхшилик юқиши мумкин".

Чиндан ҳам шундай. Бинобарин, Президентимиз Марғилондаги Ижодкорлар боғига ташрифи чоғида ижод мактаблари ҳақида тўхталиб: "Ёшларимизни шеъриятга, адабиётга ошно қилиш орқали уларни маънавият ва маърифатга қайтаришимиз керак", деган эди. Бугунги маънавий таҳдид, оммавий маданият соя солаётган глобаллашув даврида сўзнинг сеҳрли кучи орқали ёшлар қалбига йўл топиш, содда қилиб айтганда, уларга яхшилик юқиши учун ҳам энг тўғри танлов шу.

Фарзандларимизни етук аждодларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш, уларга энг сўнгги технологиялар асосида илм бериш мақсадида қиёси йўқ хайрли ишлар бажарилмоқда. Эзгу ният ва улуғвор мақсадларни кўзлаб экилган ниҳол ўз мевасини бермасдан қолмас, албатта. Эркин Воҳидов ёзганидек:

*Юртдошим, боғингга бир ниҳол қада,*
*Бу ниҳол номини яхшилик ата.*
*Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй,*
*У гулнинг исмини гўзаллик деб қўй.*

*Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт,*
*Сув бер ва бу сувга меҳр деб қўй от.*
*Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст,*
*Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст!*

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## Саломатлик

# ХАЛҚ ТАБОБАТИ САМАРАЛИ ДАВОЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

*Саломатлик — туман бойлик. Халқимизда бу ибора бежиз айтилмаган. Зеро, инсон саломатлигини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар мутлақо янги босқичга чиқди. Эътиборлиси, соғлиқни сақлаш тизимига оид бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, истиқболли режалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.*

Жумладан, 2018 йил 12 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори билан халқ табобати фаолиятини тартибга солиш, тўпланган тажриба ҳамда салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва халқ табобатининг усуллари, ютуқларидан унумли ва хавфсиз фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратсак. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриш давомийлиги 73,8 ёшни ташкил этган. Бундай натижага эса ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Бунинг ортида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тиббиёт тизимига, умуман, инсон саломатлигини асрашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар турибди.

Биламизки, бугун касалликларнинг тури ҳам кам эмас. Биргина инфаркт хасталигини олайлик. Манбаларга қараганда, дунёда ушбу касалликдан ўлим даражаси бирмунча ошган.

Инфаркт, инсульт, қон босими меъёридан ошиб кетиши, асосан, ёши катталарда кўпроқ учрайди. Сабаби қарияларда темир (гем) элементи-моддаси 12 марта камаяди, чунки ёзда нормадаги тоза сув (2 л.) ичилмайди. Аслида инсон 89 фоиз сув билан туғилади, 49 фоиз сув билан вафот этади. Тоза сув радиацияни (радиация суяк илигини, қонни бузади) ютади-ўчиради. Шу боис иссиқ кунларда наъматак сув ичиб туриш, оғизни чайқаш лозим.

Инфаркт билан касалланган киши ҳар 15 кунда оч қоринга 0,5 литр янги соғилган эчки сутига бир чой қошиқ асал солиб ичиши шарт. Нега? Сабаби мева-сабзавотдаги нитратлар билан инсонлар заҳарланади. Бу эса инсонларда кислород етишмовчилигини келтириб чиқаради. Айниқса, бу даволаш усули юрак-қон томир касалликлари билан хасталанган инсонларга жуда зарур бўлиб, бунда нафас етишмовчилигининг олди олинади.

Қон босими меъёридан ошадиган инсонлар, инфаркт, инсультни бошидан кечирган ва юрак-қон томирларига стенд қўйдирган инсонлар овқатларига фақат қизил гуручни ишлатишлари мақсадга мувофиқ. Чунки у табиий статин дориси кабидир. Гуручдаги қизиллик (қизил ранги — юпқа), яъни табиий статин табобат дориси ҳисобланади.

Сирасини айтганда, даволаб бўлмайдиган касаллик деярли йўқ, ҳисоби. Аммо касалликка чалиниб, уни ўтказиб, сўнг даволагандан кўра, унинг олдини олган яхшидир. Чуқур ишонч билан ҳар қандай касалликни енгиш мумкин, қўрқиш, руҳий эзилиш, хафалик ва умидсизлик беморнинг ашаддий душманидир.

Келинг яна бир таҳлилга эътибор қаратамиз. Японияда surункали ва юрак касалликлари, умуман, ўлим бизнинг юртимизга нисбатан 4 марта кам учрайди. Сабаби улар кунига бир марта лосос балиқ истеъмол қилишади, бир соат пиёда юради, 8 соат ухлашади. Қарангки, бундай ҳолатда юрак касалликлари 80 фоизга камаяр экан. Бизда эса гўшт, тухум, картошка, ёғда қовурилган, тузли таомлар, нон ва ширинликлар аралаш-қуралаш истеъмол қилиниши натижасида инсульт бўлиш хавфи 58 фоизгача ошади.

Табиб сифатида муҳим тавсиям шуки, ҳар доим тўғри овқатланиш керак. Хусусан, бир кунда 5 маҳал оз-оздан овқатланиш, яъни тўйиб овқатланмаслик саломатлик учун фойдалидир. Ортиқча таом ейилса, юракка 5 баробар оғирлик тушади, юрак чираниб ишлай бошлайди.

Яна бир тавсия, дори-таблеткалардан кўра, кўпроқ табиий гиёҳлардан, ўсимлик ва кўкатлардан фойдаланиш лозим. Масалан, инфарктни даволашда, унинг олдини олишда, асосан, қизил девзира гуруч фойдалидир. Шу билан бирга, кўкрак оғриганда чап кўкрак юрак уст томонига доирасимон шаклда 5 та, томоқ тагидан бошлаб паст томонга эса, қатор 4 дона зулук қўйдириш (20 дақиқадан сўнг олиб ташлаш лозим) ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Умуман олганда, юқорида келтирилган айрим даволаш таклифлари нафақат ушбу хасталикка чалинганлар, балки соғлом инсонлар учун ҳам кони фойдадир. Зеро, тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино бобомиз таъбири билан айтганда, баданни кучли қилиш учун, юракни кучли қилиш керак.

**Тоир ИНОЯТОВ,**
**Ўзбекистон халқ табобати ассоциацияси аъзоси, табиб.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виталий Фенга турмуш ўртоғи

**Людмила ФЕНнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 13 882 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6